



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI**

**PEDAGOGIKA FAKULTETI
MEHNAT TA‘LIMI KAFEDRASI**

“Himoyaga tavsiya etilsin”
Pedagogika fakulteti dekani
_____ dots. Sh. Nurullayeva

“ ” _____ 2017 y.

“ Himoyaga ruxsat etildi”
Mehnat ta‘limi kafedrası
mudiri, dotsent

_____ D.Cho‘yanov
“ ” _____ 2017 y.

**Pedagogika fakulteti kunduzgi bo‘limi
5112100-Mehnat ta‘limi yo‘nalishi bitiruvchisi
TASHEVA DILDOR ESHEMIROVNAning
bakalavir darajasini olishi uchun yozilgan**

**“KHKlarida MUTAXASSISLIK FANLARINI OQITISHDA INTERFAOL
USULLAR MAZMUNI”**

mavzusidagi

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Rahbar: Yakubov S.X., Xolmurodov D.S.

Qarshi – 2017 y.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI

PEDAGOGIKA FAKULTETI

MEHNAT TA'LIMI KAFEDRASI

**““KHKlarida MUTAXASSISLIK FANLARINI OQITISHDA INTERFAOL
USULLAR MAZMUNI”**

«5112100-mehnat ta'limi» yo'nalishi bo'yicha bakalavr
darajasini olish uchun

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Bajaruvchi: Tasheva Dildor Eshtemirovna

Ilmiy rahbar: Yakubov Sabir Xalmuradovich, Xolmurodov Dilmurod.

Bitiruv malakaviy ishi «Mehnat ta'limi» kafedrasida bajarildi.

Kafedraning 2017 yil ___ maydagi majlisida muhokama qilindi va himoyaga
tavsiya etildi (bayonnoma №___).

Kafedra mudiri:

dots. D.Sh. Cho'yanov

Bitiruv malakaviy ishi YaDAK ning 2017 yil “___” _____dagi majlisida
himoya qilindi va ___ ball bilan baholandi (bayonnoma №___).

YaDAK raisi:

A'zolari:

Qarshi-2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. КАСБ ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИ ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.....	9
1.1 Ўрта махсус ва касб ҳунар таълими тизимида мутахассислик фанларини ўқитишнинг инновацион технологиялар асосида ташкил этиш мазмуни	9
1.2. Мутахассислик фанларини ўқитишнинг ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланишга нисбатан замонавий ёндашувлар	18
II-БОБ. ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА МУҲАНДИС-ПЕДАГОГНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ	
2.1.Таълим жараёнини ташкил этишда муҳандис-педагогнинг инновацион фаолияти	
2.2.Муҳандис-педагогга қўйиладиган талаблар	
2.3.Таълим жараёнида интерфаол усулларни қўллаш	
ХУЛОСА	48
Фойдаланган адабиётлар	50

КИРИШ

Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда, айниқса таълим тизимини ислоҳ қилишда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу билан мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда, унинг сифати ва самарадорлигини оширишда, замонавий мутахассис кадрларни тарбиялашда демократик ва дунёвий мазмунга эга бўлган кўп босқичли, узлуксиз таълим тизимини шакллантиришда қонуний асоси яратилди.

Узлуксиз таълимнинг турли бўғинларида ўқув-тарбиявий жараённинг мақсадлари, мазмуни, методлари, воситалари ва ташкилий шакллари билан боғлиқ ҳақиқий педагогик ва дидактик муаммолар истиқболини аниқлаш ҳамда самарали ечимларни топиш бўйича бугунги кунда турли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатимизда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ҳам кўплаб ислоҳатлар амалга оширилди, бу ишлар давом этмоқда.

Хозирги вақтда кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан ташкил этилган янги турдаги ўқув масканлари – академик лицей ва касб ҳунар коллежларини малакали ўқитувчилар билан таъминлаш жуда муҳим вазифа бўлиб, ҳозирги даврнинг энг масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада махсус мутахассислик ва умуммуҳандислик фанлар бўлажак ўқитувчиларни касбий фанларни асослари билан қуроллаштириш учун асос бўлил хизмат қилиши ҳеч кимга сир бўлмаса керак.

Касб ҳунар коллежларида юқори малакали ва дунё андозалари талабларига жавоб берадиган кичик мутахассислар тайёрлаш омилларидан бири муҳандис педагог ходимлар касбий салоҳиятини оширишни тақоза этади. Янги ахборотлар ҳажми кескин ошиб бораётган бир вақтда ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ахборот алмашишнинг ҳозирги замон усулларини тадбиқ этиш ўқитувчилар фаолиятини бошқаришда ва назорат қилишда дидактик воситаларисиз тасаввур

қилиш қийин. Ўз навбатида дидактик воситалар мажмуасини ўқув жараёнига муваффақиятли тадбиқ этиш муҳандис педагог ходимларнинг билим савияси ва сифатига боғлиқ бўлади.

Жамиятимизнинг барча жабхаларида рўй бераётган ижтимоий иқтисодий ислохатлари ватанимизни тараққий эттиришга, уни ривожлантиришга кучли тараққий етган давлатлар каторидан ўрин олишига халқимизнинг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган.

- Ўзбекистон ўзининг сиёсий, иқтисодий мустақиллигига эришгандан сўнг юртимизда янада кенг кўламда ўзгаришлар рўй бермоқда. Мустақиллигимизнинг 25-йиллигини нишонладик. Мана шу 25 йил давомида бўлган бунёткорлик ишларини кўрсак, анча ишлар қилинганига гувоҳ бўламиз. Мамлакатимиз улкан қурилишлар майдонига айланган, барча шаҳарларимизнинг қиёфаси замонавий шаҳарсозлик асосида қайта қурилди, улкан иншоотлар қад кўтармоқда. Мустақил Ўзбекистонимизда демократик ва ҳуқуқий жамият қурилишининг барча босқичларида халқ хўжалигининг барча тармоқларида, ҳамда саноатни ривожлантиришдаги ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш муаммосига катта эътибор бериб келинмоқда. Фан-техника тараққиётининг бу соҳаси давлатимизнинг моддий-техника базасини яратишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда янги техника ва технологияларнинг жорий этилаётганлиги, илм ва фаннинг жадал тараққиёти мутахассис кадрлардан ўз билимларини мустақил ва мунтазам равишда чуқурлаштириб, янгилаб, тўлдириб ва кенгайтириб боришни талаб этади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш жараёнида ва мустақил фикрловчи баркамол авлодни шаклланишини таъминлайди.

Таълим жараёнига замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол ўқитиш технологияларини қўллаш орқали бўлажак мутахассисларнинг ижодий фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш, янги билимларни мустақил эгаллаш қобилиятини ривожлантиришга эришиш мумкин. Чунки ўзгарувчан

бозор иқтисодиёти шароитида фақатгина мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган, тадбиркор шахсина ўз муаммоларини ўзи ҳал қила олади ва жамиятда ўз мавқеига эга бўлади. Бундай қобилият эса авало умумтаълим тизимида, умумтаълим мактабларининг меҳнат таълими дарсларида шакллантирилади, ўрта махсус таълим ва касб-ҳунар таълими муассасаларида янада ривожлантирилади.

Таълимнинг сифатига қўйиладиган талабларнинг ошиб бориши узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг долзарб муаммоси ва талабига айланиб, таълим мазмунини янгилашнинг фундаментал принципларига, яхлитлигига, изчиллигига ва амалиётга йўналтирилганлигига асосланган муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Замонавий таълимнинг мақсади касбий, мутахассислик салоҳияти юқори даражада бўлган, ижтимоий жиҳатдан фаол, мустақил ижодкор шахсини шакллантириш учун шарт-шароитларни янада ривожлантиришдан иборат. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда махсус мутахассислик фанлари ўқитувчилари олдида касб-ҳунар талиминини ривожлантириш каби муҳим масалалари қўйилган. Касб-ҳунар коллежи муҳандис-педагог ходимлари олдида тайёрланадиган малакали ишчи кадрларда илмий дунё қарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириши, уларда юксак меҳнат интизоми ва маданиятини, жамоа олдида ўз бурчи ва маъсулиятларини ҳис туйғуларини тарбиялаш вазифасини қўяди. Бу вазифаларини бажариш ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиядан фойдалана оладиган юқори малакали ишчиларни тайёрлаш лозим бўлади. Мазкур вазифани мувофаққиятли ҳал қилишда муҳандис –педогогларнинг фан ва техника соҳасидаги ютуқлардан муттасил фойдалана билишлари, ўқув жараёнида илғор педагогис ва ишлаб чиқариш талими тажрибаларини тадбиқ эта олишлари катта аҳамиятга эга.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда узлуксиз таълим тизимини малакали муҳандис педогог кадрлар билан таъминлаш, уларга юқори самарадорликка эга бўлган технологик машина ва ускуналарни

кай даражада автоматлаштириш, автоматик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва қўлланиладиган бошқариш ҳамда ростлаш тизимларининг турлари, ишлаш аниқликлари тўғрисида билим беришдай маъсулиятли вазифа катта аҳамиятга эгадир. Умумий ўрта таълимда меҳнат таълими йўналиши бўйича ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги, уларни касбга йўллаш масалалари бўйича У.Н.Нишоналиев, А.Р.Хўжабоев, Н.Шодиев ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш назариясини ва амалиётини бир нечта қисмларга бўлиб ўрганганлар. Кейинги йилларда Республикамиз олимлари тадқиқотлари, жумладан: Н.А.Муслимов, Ў.Қ.Толиповларнинг ишларида бўлажак кичик мутахассисни тайёрлаш жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш, Р.Ҳ.Жўраевнинг ишларида эса бозор иқтисодиёти шароитида мутахассис кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида ўрганилган. Ш.С.Шарипов, Р.Х.Джураев, Ж.Ф.Йўлдошев, Р.Ш.Аҳлидинов, Ш.Э.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, М.Миркосимов, У.И.Иноятов, М.Х.Саидов, Ф.А.Носирова, М.Р.Ражабова, Ҳ.Саидов, Л.В.Перегудов, А.А.Юлдашев, Г.С.Абдурахманов ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ўқувчи-ўқувчиларни техник технологик билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш муаммолари бўйича бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, янги йўналиш яъни дарс мавзуларини инновацион технология асосида ўқитиш мавзуси, КХКларида мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усули мазмуни тадқиқот қилинмаган [4-10].

Шунинг учун ҳам мен ўз битирув-малакавий ишимнинг мавзусини “Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усуллар мазмуни” мавзусида танладим ва бажардим.

Битирув-малакавий ишнинг мақсади: Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишни интерфаол усуллар асосида ташкил этишнинг шакл ва методларини асослаб беришдан иборат.

Битирув-малакавий ишнинг объекти: Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усулларни тадбиқ этишни

ташқил этиш жараёни.

Битирув-малакавий ишнинг предмети: Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усулларни тадбиқ этишни ташқил этиш шакл ва методлари.

Битирув-малакавий ишнинг илмий фарази: Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усуллар асосида самарали ташқил этиш мумкин, агарда:

- Мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усуллар қўллаш асосида олиб борилса;
- Интерфаол усуллар асосида машғулотларни ташкиллаштириш хусусиятлари очиб берилса;
- Ўқитиш жараёнида ноанъанавий ўқитиш шакллари, методлари, воситаларидан фойдаланилган тақдирда самарали бўлиши мумкин.

Битирув-малакавий ишнинг вазифалари: Битирув-малакавий ишининг предмети ва фаразларига асосан битирув-малакавий ишининг вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усуллар асосида ташқил этишнинг ташкилий шакллари ва методлари мазмуни таҳлил қилиш;
- Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланиш шакл ва методларини асослаш;
- Таълим жараёнини ташқил этишда ўқитувчининг инновацион фаолиятини ўрганиш;
- Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усулларни дарс жараёнида қўллаш;
- тажриба-синов ишларида педагогик технология самарадорлигини аниқлаш.

Битирув-малакавий ишини бажариш жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланилди.

Мазкур мавзуга оид техник, политехник, педагогик-психологик адабиётларни ўрганиш; педагогик кузатув, суҳбат, сўровнома ва тест.

Битирув-малакавий иши мавзуси бўйича тегишли адабиётлар таҳлил қилинди, муаммонинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилди, унинг мақсади ва вазифалари, илмий фарази аниқланди.

Битирув-малакавий ишнинг илмий янгилиги:

- Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усуллар асосида ташкил этишнинг ташкилий шакллари ва методлари муоммосининг амалдаги ҳолати аниқланди.

- Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усуллар асосида ташкил этишнинг ташкилий шакллари, методлари хусусиятлари ва мезонлари аниқланди;

- Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усуллар асосида ташкил этишнинг ташкилий шакллари ва методлари мазмуни, тизими, усул ва воситаларидан амалиётда фойдаланишнинг самарали услубиёти ишлаб чиқилди;

Битирув-малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган материаллардан Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол усуллар асосида ташкил этишнинг ташкилий шакллари ва методларини таълим жараёнига қўллашга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган материаллардан Касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда интерфаол усуллар таълим тизимига қўллаш мумкин.

Битирув-малакавий иши 62 бет ҳажмда ёритилган кириш, икки боб ва хулоса қисмидан, 10 номдаги фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**I БОБ. КАСБ ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МУТАХАССИСЛИК
ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИ ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР АСОСИДА
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

**1.1. Ўрта махсус ва касб ҳунар таълими тизимида мутахассислик
фанларини ўқитишнинг инновацион технологиялар асосида ташкил
этиш мазмуни**

Бугунги кунда мустақил фикр юрита оладиган ва мустақил ҳаракат қила оладиган ёш авлодни тарбиялаш асосий вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дидакт олимлар ва илғор ўқитувчилар ўқувчиларда ўқув фаолиятига ижодий ёндашишни ривожлантириш йўллари кунт билан изламоқдалар. Булар жамиятни тарбиялашнинг янги тузилмасини яратишдан иборат умумий жараённинг давомидир. Замонавий таълимни ташкил этишга кўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан, муҳандис-педагогдан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Инновацион технология ўз моҳиятига, кўра субъектив хусусиятга эга, яъни, ҳар бир педагог ва муҳандис-педагог таълим ва тарбия жараёнини ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши лозим. Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар инновацион технологиялар:

педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёнининг) самарадорлигини ошириши;

педагог ва муҳандис-педагог ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;

ўқувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;

- ўқувчиларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши;..

- ўқувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шартшароитларни яратиши;

педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир каторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

Замонавий педагогикада таълим беришнинг умумий шакллари (жамоавий, гуруҳли, якка тартибда) ва ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этиш шакллари (дарс, фан, техника тўғараклари, ўқувчилар илмий уюшмалари, экскурсиялар) фарқланади.

Таълимни ташкил этиш шакллари педагогик жараённи ташкил этишнинг тарихан мавжуд бўлган, барқарор ва мантиқан тугалланган кўриниши бўлиб, унга мунтазамлик ва яхлитлик, ўз-ўзини ривожлантириш, шахсийлик ва фаолиятли характер, иштирокчилар таркибини доимийлигига ўтказишнинг муайян тартиби мавжудлиги хосдир.

Дарсинг таркибий элементлари

Биринчи элементи - ташкилий қисм.

Иккинчи элементи - уйга берилган ёзма вазифани текшириш.

Учинчи элемент - ўқувчилар билимини оғзаки текшириш (ёки сўраш).

Тўртинчи элементи - янги материални тушунтириш.

Бешинчи элемент - уйга вазифа бериш.

Олтинчи элемент - янги материални мустаҳкамлаш.

Еттинчи элемент - дарсни уюшқоқлик билан яқунлаш.

Дарснинг тузилиши

Анъанавий дарс тузилиши: сўраш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, уйга вазифа бериш.

Замонавий дарс тузилиши дидактик асосига мантиқий психологик тузилиш.

Замонавий дарс тузилишига қўшимча мотивланган методик дидактик тузилиши:

1. Таянч (аввалги) билимларни ва ҳаракат усулларини фаоллаштириш.
2. Янги тушунча ва ҳаракат усулларини шакллантириш.
3. Билимларни қўллаш, билиш ва кўникмаларни шакллантириш (махсус такрорлаш ва мустаҳкамлаш).

Дарснинг мантиқий-психологик тузилиши

1. Маълум билимларни тиклаш ва идрок этиш.
2. Ўқувчилар томонидан янги билимларни англаш ва тушуниш.
3. Билим элементлари ва ҳаракат усуллари умумлаштириш.
4. Билимлар ва янги ҳаракат усулларини намунадагидек ҳамда ўзгартирилган шароит вазиятларида қўллай олиш.

Дарсда излаш фаолият босқичлари

1. Муаммоли вазиятни ташкил этиш ва муаммони қўя олиш.
2. Тахминлар, фаразларни илгари суриш ва уларни асослаш.
3. Фаразларни исбот этиш.
4. Мавжуд муаммоларнинг тўғри ҳал этилганлигини текшириш.
5. Хулосаларни шакллантириш.

6. Билимларни нотаниш (ностандарт) вазиятларда қўллаш.

Дарснинг мотивланган тузилиши

1. Ўқувчиларнинг диққатини ташкил этиш ва бошқариш.

2. Фаолият мазмунини шарҳлаш (изоҳлаш).

3. Мотивланган ҳолатларни актуаллаштириш.

4. Ўқувчилар билан ҳамкорликда дарснинг мақсадини белгилаш.

5. Мақсадга эришишда ютуқли вазиятларни вужудга келтириш.

6. Ўқувчиларнинг ҳаракатларида ижобий ҳис-туйғу ва ўзига ишончни қўллаб-қувватлаш.

Ўқув фаолияти тузилиши

Ўқув фаолияти: талаб + мотив + ўқув ҳаракатлари + ўзини-ўзи назорат + ўзини-ўзи баҳолаш.

Таълим муассасаларидаги ўқитиш жараёнининг шакл ва методларини ташкил қилишнинг кўпқиррали ягона тизими рамкасида амалга оширилади. Ўқитишнинг шакл ва методлари йиғиндиси ўқув жараёнининг объектив қонуниятлари билан белгиланадиган ягона дидактик комплексни ташкил этади.

Таълим муассасасидаги ўқитишнинг шакл ва методлари таснифи ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган икки фаолиятга таянади:

- ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг фаолияти;
- ўқувчилар ўқув ва билиш фаолияти;

Замонавий ўқитиш технологиялари-мажмуавий интегратив тизимлар бўлиб, улар ўзида таълим мақсадлари билан белгиланган касбий кўникма, малакалар ва шахс хислатларини ўрганувчилар томонидан эгалланиши ҳамда билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган операция ва ҳаракатларнинг тартиблаштирилган тўпламини акс эттиради. Бу ўринда таълим мақсадларининг белгиланиши (кимга ва нима учун?), мазмунни танлаш ва ишлаб чиқишга татбиқ этиш (нима?), таълим жараёнларини ташкил қилиш (қандай?), таълим методи ва воситаларини белгиланиш (нималар ёрдамида?),

шунингдек, ўқитувчилар малака даражаси (ким?) ҳамда эришилган натижаларни баҳолаш методи (қандай йўл билан?) га асосланиши лозим. Келтирилган мезонларнинг мажмуавий қўлланилиши ўқув жараёни моҳияти ва унинг технологиясини белгилаб беради.


Инновация (инглизча Innovation) – янгилик киритиш, янгилик демакдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол усуллардан тўлиқ фойдаланилади. Интерфаол усуллар бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педогоик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмуниининг таркибий қисми ҳисобланади. Яъни педагог ва ўқитувчи-ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни бир катор хусусиятларга эга:

- ўқитувчи-ўқувчининг дарс давомида бефарк бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш;
- ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлайди;
- ўқитувчи-ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириш;
- педагог ва ўқитувчи-ўқувчининг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш;

Педагогик технология масалалари муаммоларни ўрганаётган ўқувчилар, илмий тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича педагогик технология – бу факат ахборот техногияси билан боглик ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ЎТВ, компьютер ёрдамида масофали ўқитиш ёки техник воситалардан фойдаланиш деб белгиланади. Педагогик технологиянинг энг асосий негизи бу ўқитувчи ва ўқувчи-ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боглик. Яъни ўқитиш жараёнида мақсад бўйича натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ҳам ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида мустақил фикрлай олса, ижод килса, изланса, таҳлил килса, хулоса чиқарса, ўзларига гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит яратса, шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади.



Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, мақсадни амалга ошиши ва қафолатланган натижага эришиш, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад эса танланган мазмун, метод, шакл, воситага, яъни янги педагогик технологияга боғлиқ бўлади. Ўқувчи ва ўқитувчи қўйилган мақсаддан қандай натижага эришишида аввало у қандай технологияни танлашлари ҳам ўз ихтиёрида бўлади. Чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ: натижага эришига қаратилган бўлиб, бунда ўқувчиларнинг билим савияси, ҳамда гуруҳ характери шароитига қараб ишлатиладиган технологиялардан бири танланади.

Шу билан бир каторда ўқитиш жараёнини олдиндан лойихалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини жой ва

шароитни, ЎТВни, энг асосийси ўқувчининг имконияти ва эҳтижини ҳамда ҳамкорликда ишлай олишини ҳисобга олиш керак. Шундагина кутилган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ўқитувчи таълимнинг марказига ўқувчини олиб чиқиши керак. Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолда билиши, таъсаввур қилиши, дарсни лойиҳалаштириб олиши керак. Бунда ўқитувчига, у томонидан дарсни технологик ҳаритасини тузиб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки дарснинг технологик ҳаритаси ҳар бир мавзу, дарс ва ундаги предмет фаннинг хусусиятидан, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Технологик ҳарита тузиш учун педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиш лозим. Шу билан бир каторда ўқитувчи жуда кўп усулларни билиши зарур. Дарсни ранг баранг қизиқарли бўлишида пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик ҳаритасига боғлиқ. Дарснинг технологик ҳаритасини қандай тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик ҳарита яхлит аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишининг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик ҳарита ўқитувчини конспект ёзишдан халос этади. Чунки бунда дарс жараёнинг барча қирралари ўз аксини топади.

DARSNING TEXNOLOGIK XARITASI

Dars

turi:

Mavzu:		
Maqsad va vazifalar:	<p>O`qituvchi: Mavzuni yoritish, ko`proq axborat berish. Mavzu bo`yicha bilimlarni mustahkamlash Mavzuni o`quvchilar tomonidan to`liq o`zlastirishga erishish. Darsni o`quvchilar bilan hamkorlikda olib boorish.</p>	<p>O`quvchi: O`rganish, darsda faol qatnashish, topshiriqlarni bajarish, o`qituvchi tomonidan tan olinish.</p>
O`quv jarayonini mazmuni	1. Yo`qlama qilish, jurnalini yozish	5 daqiqa
	2. Uy vazifasini va o`tilgan mavzuni tekshirish	15 daqiqa
	3. Yangi mavzuni bayon qilish	30 daqiqa
	4. Yangi mavzuni mustaxkamlash	10 daqiqa
	5. Mashqlar bajarish	10 daqiqa
	6. Baxolash	5 daqiqa
	7. Uy vazifasini berish	5 daqiqa
O`quv jarayonini amalga oshirish texnologiyasi	<p>Uslub - "Aqliy hujum", "Klaster". Shakl - Frontal; Yakka Vosita - Shahsiy kompyuter, multimediya vositalari; Elektron darslik, munozara, bahs Usul - Frontal tushuntirish, ko`rsatish, ma`ruza matni. Nazorat - Frontal; yakka kuzatish</p>	

	Baholash - Besh ballik sistema asosida;	
Kutilyotgan natijalar	O`qituvchi: O`quvchilarning deyarli barchasi mavzuni yaxshi o`zlashtiradilar.Dars samarali o`tadi.O`quvchilarning barchasi shu fanga bo`lgan qiziqishi ortadi.	O`quvchi: Darsda faol qatnashadi,mustaqil fikirlashni o`rganadi.
Kelgusi rejalar (taxlil,o`zgartirishlar)	O`qituvchi: O`tilgan darsni tanqidiy jihatdan tahlil qiladi: Mavzuga oid axborat izlaydi uy vazifalarini bajarishda o`quvchilarni mustaqil fikrlashga o`rgatish.	O`quvchi: Uy vazifsini bajaradi,yangi mavzuga oid axboratlar izlaydi.

Ўқувчи томонидан ўзи ўқиётган фаннинг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулоти бўйича тузилган юқоридаги технологик харита унга фанни предметини яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндашишга, тушунишга яхлит ўқув жараёнини бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасига кўра билим олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик харита ўқувчининг имконияти эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълим марказига чиқишига эришилади. Бу эса ўқитиш самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Ўқитиш жараёнида ўқувчига шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мускакил,

эркин фикрлашга, изланишга ҳар бир масалага ижодий ёндошиш, масъулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси ўқишга, фанга, педагогика ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг ихтисосликка оид ўқув материални ўзлаштирганлиги, уларда шаклланган кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Чунончи, ўқувчиларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда ўқитувчидан мутахассислик ўқув предметларидан нафақат асосларидан чуқур билим бериши, балки уларни ўзлаштириш даражасини ҳаққоний назорат қилиб, баҳолаш ҳам талаб этилади. Чунки, назорат қилиш бу фақат таълим-тарбия натижаларини таҳдил қилиш эмас, балки бутун жараённинг турли босқичларида ўқувчилар билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир. Илм фан, техниканинг ривожланиб бориши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши барча соҳаларда бўлгани каби таълим-тарбия соҳасида ҳам аниқ, қатъий мезонлар асосида тарбияланувчининг билим ва фаолият даражасини баҳолаш лозимлигини кун тартибига олиб чиққи.

Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма-хилдир.

1.2. Мутахассислик фанларини ўқитишнинг ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланишга нисбатан замонавий ёндашувлар

Жамиятнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг таракқиёти ва истиқболи, Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш - замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали кичик мутахассис кадрларни тайёрлаш ва мазкур жараён самарадорлигини таъминловчи педагогик шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, кадрлар тайёрлаш тизими сифатини ошириш ва мазмунан бойитиш бугунги кунда долзарб масалалардан экан, бу таълимнинг белгиланган вазифаларидан бири - мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини шакллантириш мазмуни ва йўлларини янгича шаклда кўриб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Маълумки, ўқувчилар мустақил ва ижодий фикр юритиш жараёнида ўз имкониятларига, бажара олиш қобилиятига таяниб, ўз фикрини бажараётган ишларида ва ясган буюмларида ифодалашга ҳаракат қиладилар. Шунга кўра, меҳнат талими дарсларида ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаоллигини оширишда муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, уларни мантиқий хулосалар чиқаришга ундаш, изчил фикр баён қилиш малакаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ўқув жараёнида актив фаолиятларини таъминлашга йўналтирилган бир қанча усуллар ишлаб чиқилган: муаммоли ўқитиш, ишчи ўйинлар, ролларга кириб ўйнаш, контексли ўқитиш ва ҳоказо. Лекин бу усуллардан қайси бири кенг қўлланилади деб айтиб бўлмайди. Бунинг сабаби бундай ҳар бир дарсни тайёрлаш юқори профессионализм, ижодий ёндошиш ва кўп вақтни талаб қиладиган педагогик тадқиқотлардан иборат.

Тушунтириш иллюстрацияли ёндошиш анъанавий ёндошиш бўлиб, у асосан ўқитувчининг ахборот бериши ва ўқувчининг хотирасида олинган билимларни йиғиш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Бу ҳолда К.Г.Марквардт (1981) ғоясига кўра “билим” тушунчасига хотирада сақланадиган ахборот деган маъно берилади. Бу билимларни хотирада қайта тиклаш қобилиятига кўра текширилади (имтиҳонда), яъни бу билимларни қаратилган саволга жавобни хотирадан бирор бир қўлланмасиз айтиб бериш текширилади. Бу тизимда билим асосан эслаш натижасидир, кўп ҳолларда бу формал маълумотлардир.

Маълумот берувчи тизимда бу билимга талаб ва уни активлик даражасига боғлиқ бўлмаган равишда “ўқитувчидан – ўқувчига” тайёр билимни бевосита

беришдан келиб чиқилади. Мос равишда ўқитувчининг асосий вазифаси зарур ахборотни бериш ва уни хотирада мустаҳкамлашдан иборат.

В. Гузев таъкидлайдики, анъанавий усул учун “ўзлаштириш” тушунчасига камралиб қолган ўқувчиларнинг ҳолатларини ноаниқ ифодаладиган ўқув дастури ўқувчиларни ифодаловчи ўқитиш мақсадларининг ноаниқ тасвири характерлидир. Ўқув жараёни бир мунча мувоффақиятли ўқувчиларнинг тажрибасини умумлаштириш асосида кўрилади. Катта тажрибага эга бўлган ва барча деталаригача ишлаб чиқилган “тушунтириш - иллюстратив “ ёндошиш таълим тизимида катта хизмат қилади лекин бугунги кунда жамиятдаги ўзгаришлар ўқувчи ёшларга қўйлаётган талаблар замонавий кадрларни тайёрлашда жумладан меҳнат таълими дарсларида ўқувчилар билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришда инновацион ёндашиш ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорликни таъминлашда дарсларни тизимлаштириш технологиялаштириш педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан ўқитишга технологик ёндошишнинг умумий характеристикаларини ўқитишнинг репродуктив савияси мисолида кўришимиз мумкин. Педагогик технологиялар доирасида репродуктив даража учун ўқитиш аниқ фикрланган ва батавсил тасвирланган кутилувчи натижаларни қайта тиклайдиган конвейрли жараён сифатида кўрилади. Ўқув материали аниқ фикрланган ўқув мақсадларига мослаштирилган, алоҳида фрагмент модулларига бўлинган ўқув материални тақдим этишнинг альтернатив усуллари ҳисобга олинган, ҳар бир фрагмент тестлар ва коррекцион тўлдирувчилар билан олиб борилади. Бу йўналиш қизиқтирадиганлик, тортишувлик ва ўзаро ёрдам элементларини инкор қилмайди. Шу вақтнинг ўзида ўқитишнинг боришига репродуктив характер беради. Шунинг учун у мажбурий минимал билим, қобилият ва кўникмаларни ҳосил қилиш учун таълимда катта самара беради.

Ўқитишнинг изланувчи модулларининг таълим мазмуни, табиат ва жамият билан ўзаро таъсири шахснинг тадқиқотчилик позицияси, унинг фаолиятининг актив ижодий характерлари билан боғлиқ. Бунда педагог ўқитувчиларнинг

Ўқув фаолиятларини рағбатлантирувчи раҳбарлик услубини амалга оширади. Уларнинг шахсий инициативаларини қўллаб қувватлайди, ўқувчилар ўқув фаолиятининг оператив-техник томонларини эгаллагунга қадар биринчи ўринга мазмун ва далилларни қўяди. Ўқитишга изланувчи ёндошишларни ўз ичига олувчи педагогик технология вариантлари ишлаб чиқилган.

1-жадвал

Тушунтириш-иллюстратив (анъанавий)	Технологик	Изланувчи
<p>Ахборотни ўқитувчидан ўқувчига узатиш.</p> <p>Аниқ бўлмаган ўқув мақсадлари.</p> <p>Тайёр билимларни айтиб бериш.</p> <p>Кўпинча ўқув жараёни суҳбат ва айтиб бериш кўринишида амалга оширилади.</p> <p>Тасвирий ва аниқ бир маънода догматиклик.</p> <p>Информацияни ихтиёрий ёдлаш.</p>	<p>Ўқув жараёнини системали ёндошишдан фойдаланиб лойиҳалаш.</p> <p>Ўқув мақсадларини хохиш эталонлари асосида ўқувчининг кузатилувчи ҳаракатлари йиғиндиси кў-ринишида максимал конкретлаштириш.</p> <p>Ўқувчиларнинг ҳаракатлари орқали ўқитиш.</p> <p>Ҳатоларни тузатадиган тескари алоқа.</p>	<p>Муаммони ҳал қилиш.</p> <p>Ўқув тадқиқотлари.</p> <p>Фанлар орасидаги боғланиш.</p> <p>Гипотезаларни илгари суриш ва текшириш.</p> <p>Моделлаштириш, эксперимент.</p> <p>Рефлексив, танқидий, ижодий фикрлаш.</p> <p>Кўп критериялилик далил исботлар.</p>

<p>Асосий куч ахборотни хотирада эслаб қолиш, йиғиш ва мустаҳкамлашга қаратилади.</p> <p>Асосий билиш босқичларини бир-бири билан ягона системада етарли даражада боғланма-ган алоҳида фанлар ташкил этади.</p> <p>Дарслар академик (асосан) характерга эга ва у мутахассиснинг келажакдаги фаолияти билан етарли даражада боғланмаган</p>	<p>Шакллантирадиган ва натижавий баҳолаш.</p> <p>Мезоний назорат (тестлаш)</p> <p>Билим ва кўникмаларни тўлиқ эгаллаш.</p> <p>Режалаштирилган натижаларни кафолатли эгаллаш.</p> <p>Ўқитишни самарадорлиги.</p>	<p>Ечимни қабул қилиш.</p> <p>Шахсий моҳиятни, мазмун-ни излаш.</p> <p>Одоблилиқ, маънавийлик, социал жавобгарлилиқ, интеллектуалликни оширувчи янги тартиб қоидаларни идрок билан қабул қилиш.</p>
--	---	---

Дарсларни ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланишга нисбатан замонавий ёндашишда умумлашган педагогик технологиялар маълум психопедагогик асослардан иборат «синтетик назария» сифатида қаралади (2-жадвал).

Тадбиқий педагогик технологиялар олдиндан режалаштирилган натижага эришишга йўналтирилган касбий тайёргарлик жараёнини лойиҳалаш муаммосини методик жиҳатдан ҳал этишга қаратилади.

Бугунги кунда шахсий фаолиятли ёндошув, танқидий-ижодий фикрлаш, муаммоларни ҳал эта олиш, қарор қабул қилиш ва жамоада ҳамкорлик

қилишга оид педагогик технологияларни ишлаб чиқишга эҳтиёж юзага келмоқда (2-жадвал).

Шундай қилиб, илгаридан лойихалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг педагогик технологияси ўзида методлар тизими, таълимнинг методик усуллари, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари, воситалари, ўқувчиларнинг ижобий шахсий сифатларини ривожлантириш мақсади ҳамда якуний натижаларга эришиш инструментарийсини мужассамлаштиради.

2-жадвал

Педагогик технология номланиши	Мақсади	Моҳияти	Механизми
Муаммоли ўқитиш	Таълим олувчиларнинг билиш фаоллиги ва ижодий мустақиллигини ошириш	Таълим олувчиларга кетма-кет ва мақсадли равишда уларнинг билимларни ўзлаштириш фаоллигини оширишга хизмат қилувчи масалаларни бериш бориш	Тадқиқотчилик методлари; билиш фаолиятига йўналтирилган масалаларни ечиш
Мужассамлаштирилган ўқитиш	Инсоннинг ҳис қилиш хусусиятларига максимал даражада яқинлаштирилган таълим жараён тузилмасини яратиш	Машғулотларни блокларга бириктириш ҳисобига фанларни чуқур ўзлаштиришга эришиш	Таълим олувчилар иш қобилияти динамикасини ҳисобга олувчи таълим методлари
Модулли	Таълим мазмунини	Таълим олувчиларнинг	Муаммоли

Ўқитиш	шахс индивидуал эҳтиёжлари ва унинг базавий тайёргарлигига мувафиқлаштириш	индивидуал ўқув дастури асосида мустақил ишлаши	ёндашув, таълимни амалга оширишнинг индивидуал мароми
Ривожлан- тирувчи ўқитиш	Шахс ва унинг қобилиятларини ривожлантириш.	Ўқув жараёнини инсоннинг потенциал имокниятлари ва уларни амалга оширишга йўналтириш	Таълим олувчиларни фаолиятнинг турли соҳаларига жалб қилиш
Дифферен- циаллашган ўқитиш	Лаёқат, қизиқиш ва қобилиятларни аниқлаш учун қулай шароитлар яратиш	Турли ўзлаштириш даражалари бўйича мажбурий меъёр (стандарт) дан кам бўлмаган ҳажмдаги дастур материални ўзлаштириш	Индивидуал таълим методлари
Фаол (мажмуа- вий) ўқитиш	Таълим оловчилар фаоллигини ташқиллаштириш	Бўлажак касбий фаолиятининг предметли ва ижтимоий мазмунини моделлаштириш	Фаол ўқитиш методлари Таълим олувчиларни ижодий фаолиятига жалб этилишининг ўйин методлари
Ўйинли ўқитиш	Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг шахсий фаолият	Ўқув ахборотларини қайта ишлаш ва ўзлаштиришга йўналтирилган мустақил	

	тавсифида бўлишини таъминлаш	билиш фаолияти	
--	------------------------------------	----------------	--

Мутахассислик фанларини ўқитишнинг самарадорлик даражаси ўқувчиларнинг меҳнат ва касбий кўникмаларини таркиб топтириш, унинг имкониятларини қай даражада ўзлаштирганлиги, ўз фикрларини ижодий ишларни бажариш ва яратиш орқали ифодалай олиш малакасини қай меъёردа эгаллаганликлари билан белгиланади. Мутахассислик фанларини ўқитишнинг принциплари ҳам, методлари ҳам ўқувчиларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини шароитига мос равишда назарий ҳамда амалий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилиши лозим.

1. Мутахассислик фанларини ўқитишнинг интерфаол усуллар асосида ташкил этиш ва ўтказишда ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи барча воситалардан, хусусан, иш куроллари билан ишлаш, топшириқли баён ва ижодий кўргазмалар, тасвирий санъат асарлари ҳамда видеофильмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2. Дарс жараёнида индуктив ва аралаш методлар ўринли қўлланилса, умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса, сабаб-оқибат муносабатларини фарқлаш асосида ижодкорлик хусусятларини таркиб топтириш имкониятлари яратишга эришиш мумкин.

3. Педагогик ва ахборат технологиялари, машина ва стеноклар, меҳнат куроллари ва асбоблари ёрдамида ҳар бир ҳар бир мутахассислик фанини ўқитиш жараёнида, шунингдек, уй вазифаларини бажариш жараёнида кенг фойдаланишни тақозо қилувчи топшириқлар беришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу орқали ўқувчининг ижодий компонентларини яхшилаш, тафаккури ва дунёқарашини ўстириш, ижодий фикрлаш ва изланишга ўргатиш яхши самара беради.

4. Мутахассислик фанларини ўқитишда илмий техник адабиётлар, изохли луғатлар, таълимий видеофильмлар асосида турли буюм ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларнинг ҳар бир операцияларини бажариш жараёнида мавзунинг ижодийлигига, ўқувчиларнинг ёши ва дунёқарашига, шунингдек, жамият мафкураси, миллий истиқлол ғоясининг мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини назарда тутиш тавсия этилади. Бундай ижодий ишлар аудиовизуал воситалар билан ишлаш методикасини ўзлаштириш, тегишли вақт тақсимотига амал қилишни тақозо этади.

Касб таълими методикасида ёритилган ёндашувлар жуда кўп ва хилма-хил. Қуйида улардан баъзи бирлари келтирилган:

<i>№</i>	<i>Номланиши</i>	<i>Мазмуни</i>	<i>Жорий этилиши</i>
1	Тизимли ёндашув	Ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни бирор белгилари асосида таснифлаш, тасаввурлар, тушунчалар ва қонуний алоқаларни ўрнатиш	Буюм ва нарсаларни бажариш жараёнида
2.	Бихевиористик ёндашув	Бажариладиган операцияни механик равишда кўп марталаб такрорлаш орқали унга доир малака ҳосил қилиш	Мустақил ишларни бажариш ва мустаҳкамлашда
3.	Индуктив-онгли ёндашув	Бажариладиган операциялар кетма-кетлиги онгли англашга қараб бориш	Буюм ва нарсаларни яшашни ўзлаштириш йўлларида бирини танлашда
4.	Коммуникатив ёндашув	Предметни ёки унинг белгисини, ёхуд бажарган иш-ҳаракатини ва ҳоказоларни аташ мақсади сифатидаги	Фикр баён қилиш ва фикр алмашиш жараёнида

		мантикий-семантик ёки мантикий-маъновий жиҳатдан талқин қилинган ёндашув, мулоқот жараёни	
5.	Структурал- функционал ёндашув	Мазмун кўлами билан ифода кўламининг гап қурилиши билан нисбатланадиган шакли орасидаги узвий birlikни ҳисобга олиш имконини беради.	Коммуникатив мақсадни амалга оширишда

Демак, бир хил ёндашувда ўқитиш технологиялари ўқитишнинг барча воситаларини қамраб олган қандайдир жиҳозлаш сифатида белгиланади.

Бошқача ёндашувда эса, технологияга таълим амалиётини янги ёки замонавийлаштирилган билимлар билан таъминлашнинг усули сифатида қарашга имконият беради. Бунда технологияга таълимнинг илмий тамойиллари ва амалиётини тадбиқ этиш сифатида қаралади.

Педагогик технология (ПТ) нинг моҳиятини ёритиш учун педагог – дидактикачилар томонидан берилган таърифларга тўхталиш мақсадга мувофиқ:

«ПТ – психологик ва педагогик ўғитлар йиғиндиси бўлиб шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараёнини ташкилий-методик омилини ҳам билдиради» (В.П. Беспалько).

«ПТ – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёнининг тавсифи». (И.П. Волков).

«ПТ – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг birlikдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир» (ЮНЕСКО).

«ПТ – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради» (М.В. Кларин).

Юқоридаги таҳлиллардан ПТ натижасини қўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва тадбиқ этишдан иборат дейиш мумкин.

Таълим технологияси деганда эса таълимнинг белгиланган мақсади ва ўқувчининг билим даражасига кўра ўқув фаолиятини бошқаришнинг назарий лойиҳаси ва педагогик тизимнинг амалда бўлишини таъминловчи зарур воситалар тизими тушунилади.

Демак, **педагогик технология** - таълим мақсадларига эришиш ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни доимий равишда ривожлантириш тизимининг лойиҳасидан иборат дейиш мумкин. Лойиҳалашни эса методологик функция бажаради. У эса ўз навбатида ўқувчининг психик ривожланиш қонуниятлари, ўқув жараёнининг ривожланиш хусусиятлари ва педагогик бошқарув усуллариининг тадқиқот воситасидан иборат дейиш мумкин. Педагогик таълим технологиясини ривожлантириш эса жамият маданий савиясини ва унинг иқтисодий кудратини шакллантиришга олиб келади.

Ўқитиш технологияси таълимнинг фаолиятини, билимларни меҳнат жараёнига тадбиқ этишни таъминлайди, педагогнинг онглилигини қолипга туширади, унинг жадал ҳаракат қилишига ва ҳаёт йўлига таъсир кўрсатади.

Касбга ўқитиш технологияси бўлса у шахсни интизом, ирода ва ихтисосликка бўлган қизиқишини юзага келтиради. Мутахассисга бўлган ҳар томонлама талабни қаноатлантиришга қаратилган таълим технологиялари педагог ва ўқувчининг ҳамкорлигига, психологик–педагогик шарт шароитларни амалга оширишга имкон беради.

Ўқитиш технологиялари фан, ишлаб чиқариш ҳамда ўқув педагогик жараён орасида жойлашиб, касбий дидактик тайёргарлик тизимидаги билимларнинг мустақил соҳаси бўлиб, у ўқитиш, дидактика назарияси ва

амалиёти билан узвий боғланган. Педагогик технологияларни шартли равишда уч хил нуқтаи назардан қараш қабул қилинган: илмий, тавсифий ва амалий.

Унга *илмий қарашда* ўқитишнинг мақсади, мазмуни, методлари илмий асосланади, педагогик жараён лойиҳалаштирилади.

Тавсифий қарашда режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришишнинг мақсади, мазмуни, методлари ва воситаларининг иштирокида алгоритм жараёни ишлаб чиқилади.

Амалий қарашда эса ПТ жараёни амалга оширилади. Таълим амалиётига қараб педагогик технологияларни уч хил кўринишга ажратиш мумкин: *умумпедагогик, хусусий методик ва локал (модул); Умумпедагогикавий технология* таълим жараёнини тўлалигича ифодалайди. *Хусусий методик технология* бирор бир фан доирасидаги жараённи ташкил қилиш ва амалга ошириш методлари ва воситаларидан иборат. *Локал (модул) технология* ўқув жараённинг махсус бўлимларига технологияни тадбиқ қилиш тушунилади. Бу технология хусусий дидактик ва тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган.

Маълумки, ПТ ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига, уларнинг ахборотлар билан танишганлик ва амалий тайёргарлигига мос бўлиши керак. Шунинг учун ПТ педагог ва ўқувчи фаолияти билан белгиланади. Фаолиятнинг бу каби турлари учун педагогик фаолиятнинг тузилмаси яратилади.

Педагогик технологиянинг тузилмаси концептуал асос, таълим жараёнининг мазмуни ва технологик жараёндан ташкил топади.

Маълумки, ПТ маълум илмий концепсияга асосланади. Шунинг учун ПТ нинг илмий концепсияси психологик, ижтимоий-педагогик ва дидактик асослардан ташкил топади. Таълим жараёнининг мазмуни унинг умумий ва аниқ мақсадлари ва ўқув материалининг мазмунларидан иборат бўлади.

Технологик жараён эса, ўқув жараёнини ташкил этиш, педагог ва ўқувчи фаолиятларидан, ўқув жараёнини бошқариш, жараённи бошқариш усуллари, ҳамда ўқув жараёнининг дидактикасини ўз ичига олади.

Педагогик технологиянинг мезонларидан бири бошқарувга асосланганлигидир. Ўқув жараёни дидактикани, уни режалаштириш ва амалга оширишни лойиҳалаш, ундаги ўқитиш методлари ва воситаларини ўзгартириб туришдан иборат.

ПТ нинг самарадорлик мезони таълим жараёнининг аниқ шароитларда олинадиган яхши натижаларни кўзда тутди.

Педагогнинг маҳорати эса ўқув юртлигининг таълим жараёнида фойдаланиладиган ва кенг тарқалган педагогик технологиялар: танқидий фикрлашни ривожлантириш, изланувчи ва муаммоли ўқитиш технологиялари, дастурлаштирилган ўқитиш технологияси, компьютерли ахборот технологияси ва бошқалар ҳисобига яратилади.


Инновацияларни фақат янги воситалар ишлаб чиқиш билан тенглаштириш мумкин эмас. Инновациялар – бу педагогик тизимни сифатли такомиллаштиришга оид ғоялар, жараёнлар, воситалар ва натижаларнинг яхлитлиги (бирлиги) дир.

Сўнгги йилларда педагогик тизимга кўплаб ўзгартиришлар содир бўлганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Мисол учун, янги концепциялар, инновациялар ва инвестициялар, ДТС, муқобил ўқув режалари, янги турдаги таълим муассасалари кабилар.

Маълумки, педагогик жараён, педагогик тизимга киради. **Педагогик тизим** –бу ўзгаришлар чегарасида турғун қоладиган компонентларнинг бирлигидир. Агар ўзгариш (янгилик киритиш) рухсат этгандан ортиб кетса, тизим бузилиб, унинг ўрнига янги хусусиятларга эга янги тизим ҳосил бўлади.

Педагогик тизим (В.П Бесполько фикрича)- тизим иштирокчилари мақсади, мазмуни, метод, воситалари, ташкил этиш шаклларида иборат жуда мустаҳкам ва турғун элементлар бирлигидир. Бу элементларнинг

Ўзгаришини ҳам бошқа кичик ташкил этувчиларга бўлиш ва вариацияланиши мумкин. Мақсад билан натижа бир-бирига қиёсланиб, бу жараён самарадорлиги ҳақида ишончли хулоса чиқариш имкон беради мезон ва ўзига хос ёпиқ даврни ташкил этади. Педагогик тизимнинг барча компонентларини мақсад ва тизимга эга. Педагогик бирлаштирувчи бошқариш мустақил ўзига хос компонент. Чунки у ўзининг педагогик технологияларнинг 6-7 бет тарихий қисмлари В. П. Беспалько бўйича.



Педагогик олимлар томонидан педагогик тизимнинг тизим ҳосил қилувчи компоненти сифатида кўпроқ таълим тарбия жараёни эътироф этилади. Чунки унда процессуал омиллар мавжуд бўлади.

Педагогик тизим - турғун ташкилий технологик мажмуа бўлиб, кўзланган мақсадга эришишни таъминлайди. Педагогик тизим ҳар доим технологияланувчандир. Технологияланувчанлик - тизимнинг ички сифати бўлиб, унинг имкониятлари қатъий ташкилий мантиққа бўйсунганини белгилайди.

Маълумки, методика тажрибаларини умумлаштириш ёки ортиқ билимларни янгида усулда етказиш усулларини ихтиро қилиш билан боғлиқ.

Технология эса аниқ шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда белгиланган натижага йўналтирилган бўлади.

Тизимнинг бош ва энг муҳим мезони натижавийлик ҳисобланади. Ундаги бирор элементни алмаштирсак, албатта натижани ўзгаришига олиб келади. Ҳар қандай педагогик тизимнинг умумий максимал самарадорлиги 100% ёки тўлиқ мақсадга эришиш демакдир. Шу педагогик тизимнинг самарадорлиги унинг иштирокчилари, педагогга 50% ва таҳсил олувчиларга эса 50% боғлиқ бўлади. Анъанавий педагогик тизимнинг фойдали иш коэффиценти 60% дан ошмаслиги исботланган.

Тизимнинг умумий назариясидан маълумки, унинг параметрларини барча йўналишларда бир вақтнинг ўзида яхшилаш имконияти йўқ. Шунинг учун ҳам тизимга янгиликларни аста секинлик билан киритиб, унинг фойдалилигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ҳар томонлама текшириш, кейинги қадамлар ҳақида ўйлаш зарур. Тажрибалар кўрсатишича барча янгиликлар энг аввало эскисидан ҳам ёмон вазифани бажаради. Чунки унга ўрганиш, мослашиш, мавжуд инерцияни йўқ қилиш зарур бўлади.

Умумий педагогик инновацияларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Янги эмас, лекин мунтазам долзарб ва таълим тарбия жараёнини мақбуллаштириш бўйича имкониятларидан фойдаланилмаган.

- Гуманистик педагогика.

- Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга янги ғоялар асосида ёндашиш.

- Янги ғоялар, ахборот воситалари, оммавий коммуникациялардан фойдаланишга асосланган технологиялар;

Педагогик тизимда инновацион ўзгаришларнинг бош йўналишлари.

- Яхлит ҳолда педагогик тизим;
- Таълим муассасалари;
- Педагогик назария;
- Ўқитувчи;
- Таҳсил олувчи;

- Педагогик технология
- Мазмун;
- Таълим шакллари, метод ва воситалари;
- Бошқариш;
- Мақсад ва натижалар.

Бу тизимчалардаги ўзгаришлар чуқурлигига кўра киритилган инновацион янгилик моҳияти, сифати ва мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Замонавий инновацион жараёнларнинг қуйидаги даражаларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

- Паст(қуйи). Одатдан ташқари номлар билан шаклга келтиришлар кўринишида ўзгаришларни кўзда тутувчи инновациялар.

- Ўртача. Мазмунга таъсир этмай фақат шакл ўзгаришини кўзда тутувчи инновациялар.

- Юқори. Тизимни моҳиятга кўра унинг бош компонентини ўзгартирувчи инновациялар.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қаралади.

Педагогнинг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга педагогнинг тайинли мулоқоти, карама-қарши фикрларга нисбатан муносабати, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олиншини уқтиришга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида педагог ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив)га эга бўлади.

Педагог фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мотивлари аҳамият касб этади, бу эса педагог шахсининг креативлигининг фаоллигини шакллантириш имконини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдан иборат. Мулоқотнинг янги вазияти - бу педагогнинг ўз мустақиллик мавқеини, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатини

ярата олиш қобилиятидир. Бундай вазиятларда ўқитувчи педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали мукаммаллаштириб боради.

II-БОБ. ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА МУҲАНДИС-ПЕДАГОГНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ

2.1.Таълим жараёнини ташкил этишда муҳандис-педагогнинг инновацион фаолияти

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган, болаларга таълим-тарбия беришга махсус тайерланган одамларнинг меҳнат фаолиятидир. Ўқитувчиларнинг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган. Ҳар бир бола ўз хулқ атвориغا, характериға эға. Болаларни тарбиялашда уларнинг ана шу ўзига хусусиятларини ҳисобға олиш, ўрганиш ниҳоятда мураккабдир. Бунда одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларининг мураккаблигини ўзида акс эттирувчи махсус усуллардан фойдаланилади. Педагогик фаолиятга тайёргарлик кўраётган ёшлар унинг ана шундай хусусиятларини билишлари лозим. Ўқитувчилик ихтисосининг бу хусусиятлари унинг профессиограммасида ифодаланади.

Профессиограмма қуйидагиларни ўз ичига олди:

1. Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари.
2. Ўқитувчининг руҳий педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар.
3. Махсус тайёргарликнинг мазмуни.
4. Ихтисосға усулий тайёргарликнинг мазмуни.

Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари: Ғоявий соҳада: илмий дунёқараш ва эътиқод, ижтимоий эҳтиёж ва ахлоқий заруриятларни чуқур тушуниш, ижтимоий фуқаролик бурчини англаш, ижтимоий сиёсий фаоллик.

Педагог касби соҳасида: болаларни севиш ва улар билан ишлашға қизиқиш, педагогик ишни севиш; руҳий педагогик зийраклик ва кузатувчанлик педагогик такти; педагогик тасаввур; ташкилотчилик

қобилияти, ҳаққонийлик, дилкашлик, вазминлик, ўзини тута билиш, касбий лаёқатлилиқ. Кенг илмий савия, маънавий ва қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш, педагогик маълумотни оширишга интилиш эса **билиш соҳасига** киради.

Ўқитувчи фаолиятини ташкил этишга янгича ёндошув

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури рақобатбардош кадрлар тайёрловчи замонавий педагогга қўйиладиган талаблар мажмуини белгилайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг ушбу мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий (фундаментал) талаблар қуйидагилардан иборат:

-таълим бериш маҳорати:

-тарбиялай олиш маҳорати;

-ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилатлари:

-таълим олувчиларнинг билимларини холисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

Таълим бериш маҳорати педагогга қўйиладиган талаблар ва ўқув-тарбия жараёнини амалга ошириш шартлари билан боғлиқ бўлган қуйидаги бош (доминант) омиллар билан аниқланади:

-қўллаб-қувватлаш ва ўқув жараёни муҳити;

-педагогнинг психологик-педагогик тайёргарлиги;

-фанни чуқур билиши, касбий омилкорлик ва эрудиция;

-янги педагогик ва компьютер технологияларни билиш;

-касбий ахборот манбалари сифатида чет тилларни билиш;

-янги услуб ва билим манбаси сифатида илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

-узлуксиз таълим тизимининг меъёрий ҳужжатларини билиш;

-ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишнинг моддий техника базаси билан боғлиқ бўлган ахборот базаси ва ресурслари.

Тарбиялай олиш маҳорати педагогнинг юксак маданият ва маънавият савиясига, шахсий ахлоқи, ватанпарварлик ва бурч (хислар)ига асосланади. Таълим олувчиларда дунё яхлитлиги юксак маданият, маънавият ва дунёвий тафаккурни шакллантириш учун педагогнинг ўзи гуманитар ва гуманистик руҳида тарбияланган ҳамда ўқув-тарбия ишини ташкил этиш маҳоратига эга бўлиши шарт.

Педагогнинг ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи **шахсият фазилатларига** қуйидагилар қиради: талабчанлик ва адолатлилик, ҳалоллик ва хайрихоҳлик, киришимлилик ва ҳазил-мутойиба ҳисси. Ушбу фазилатлар педагогнинг таълим олувчилар олдида обрўсини белгилайди. Педагогнинг шахсий фазилатлари унинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳоратига таъсир кўрсатади. Таълим олувчиларнинг билимларини холисона **баҳолаш ва назорат қилиш** маҳорати психологик-педагогик жиҳатдан педагогнинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳорати билан узвий боғлиқ. Педагог таълим олувчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини билиши ва уларни мукамал равишда рейтинг назоратда қўллай олиши, ҳамда стандарт тестларни ишлаб чиқа олиш ва қўллай олиш маҳоратига эга бўлиши лозим.

Педагогик фаолияти ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Ўқитувчилик фаолияти ана шундай хусусиятга эга. Педагогик ижодкорликнинг асосий моҳияти педагогик фаолиятнинг мақсади ва характер билан боғлиқ. Ўқитувчи аниқ мақсадни кўзлаш, қатъийлик, ширин сўзлик каби хислатларга эга бўлиши керак. Ўқитувчининг одоби, маданияти юксак бўлса, одамларга нисбатан меҳрибон, саҳоватли бўлсагина тез обрў хурматга эга бўлади.

Ўқитувчи болаларга нисбатан талабчан бўлиши билан бирга ўз шахсига танқидий нуқтаи назардан қарай олиш керак. Ўқитувчи педагогик этиканинг меъёрларини ўзлаштириб олиши тажрибада қўллаш, ўзининг дунёқараши ва ахлоқий тажрибаси билан таққослаши лозим. Ўқитувчининг муҳим фазилати

кишилар билан тез эл бўла олиш, кўпчиллика аралаша билиш, улфати жонлик, дилкашлик бўлиб, бу унда муомила маданиятини юксаклигини ифодалайди. Ижтимоий фаоллик ва фуқаролик бурчини англаш ўқитувчилик шахсига хос хусусият, зеро, ҳақиқий педагог тўла маънодаги жамоатчи бўлиб, болаларга ҳаётга ижтимоий фаол туришининг амалий намунасини кўрсатади. Ўқитувчи дарсларда ўқувчиларга бўлган талабчанликни болаларга ҳурмат, зийраклик, педагогик мавқе обрўсини сақлаган ҳолда ёндашишнинг мувофиқлаштирган ҳолда олиб бориши лозим. Дарсда ўқитувчининг ўқувчиларга мурожати ҳам фарқсиз эмас, ўқитувчи ўқувчиларни исми-шарифлари билан чақириши ва унга ўргатиши мақсадга мувофиқдир. Педагог сифатида ўзлигини намоён этиши талаб қилиш зарур ҳолатларда ўқитувчи томонидан ўз ҳиссиётини акс эттиришини инкор этмайди.

Ўқитувчи дарсларда зийрак, меҳрибон, қувноқ, ҳушёр, кўнгилчан бўлибгина қолмай балки жиддий хафа ва норозилиги билинган қиёфада ҳам керак. Ўқитувчиларнинг педагогик оптимизми унинг ўқувчиларга муносабатидаги ишонч, ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турли шаклларидаги дарсда уларнинг ҳамжиҳатликдаги изланувчанлигини ташкил этиш, ўқувчиларнинг ишларига ҳаққоний баҳо бериш, уларга доимий зарур ёрдам кўрсатишга тайёр туришлик буларнинг барчаси жуда катта амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Ўқитувчининг белгиланган режани бажариши юзасидан ташкил этадиган ўқув ишлари, тайёрлов ва бажариш босқичларига бўлинади. Дарсга тайёрланиш давомида ўқитувчи ўз имкониятларига қараб қуйидагиларни таъминлайди:

Таълимнинг зарур бўлган техник воситалари, кўргазмали қуроллар, қўлланмаларни, дидактик ва тарқатма материалларни тайёрлайди.

Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлиши фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларининг ўқувчиларга етказа олиши ва ниҳоят ўқувчиларни ижодий фикрлашга тадқиқот ишларига ўргата олишини талаб қилади.


2.2. Муҳандис-педагогга қўйиладиган талаблар

Ўрта махсус ва касб ҳунар коллежи ўқитувчиси – муҳандис-педагогнинг педагогик фаолияти ҳар бир бошқа фаолият каби ўзининг аниқ услубига эга бўлади. Фаолият услуби - тўла маънода усуллар, ҳолатлар, шаклларнинг турғун тизимидан иборат бўлиб, у ҳар хил шароитларда ҳам мавжуд бўлади. У фаолият тузилишига боғлиқ бўлиб, унинг, яъни субъектнинг шахсий-психолог хусусиятига боғлиқ. Бугунги кун ўрта махсус ва касб ҳунар коллежи ўқитувчиси – муҳандис-педагогга қўйиладиган замонавий талабларни қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).

Педагогнинг чегараланган сифати аҳамиятли бўлмасдан, уларнинг мажмуи, тўла тизими аҳамиятга эга бўлади. Ўқитувчи маҳоратининг тизими, характери, янги интеграллашган тушунчаси - **педагогнинг касбий потенциалида** (ПКП) ўз аксини топади. Бундай таърифнинг аҳамиятли томони шундан иборатки, у ўзига кўплаб турли режали ва турли даражали ўқитувчининг тайёргарлик ва фаолият аспектларини бирлаштиради.

Касбий потенциал (лотинча *potencia*-умумлашган қобилият, имконият) ўқитувчининг асосий характеристикасидан иборат. У табиий ва қабул қилинган-орттирилган сифатларнинг тизимли мажмуи бўлиб, у берилган ҳолатдаги ўз вазифаларини бажара олиш имкониятидан иборат.

Касбий потенциал касбий билимлар ва қобилиятларнинг асоси бўлиб, педагогнинг фаол фикрлаш, яратиш, ҳаракат қилиш, ўзининг мўлжалларини ҳаётга татбиқ этиб режалаштирилган натижаларга эриша олиш қобилиятидан иборат.



Касбий потенциални табиий ва касбий тайёргарлик жараёнида тўпланган сифатларнинг тизими сифатида қараш мумкин:

ПКПкПпдк □ Ппқўқ □ Пмтқпк □ Пафпк

Бу ерда Ппдк - шахснинг туғма қобилиятларидан ташкил топган **потенциалнинг доимий (ўзгармас) қисми;**


Ппқўқ - педагогнинг амалий ва касбий фаолияти ҳисобга қабул қилинадиган **потенциалнинг қисман ўзгарувчан қисми.**

Пмтқпк - таълим муассасасидаги **махсус тайёргарлиги ҳисобига қўшиладиган потенциал қисми.**

Пафпк - педагогнинг **амалий фаолиятида** қабул қилинаётган **потенциал қисми.**

ПКП ўқитувчилар ва уларнинг касбий фаолиятларидаги катта йўналишларини ўз ичига олган тизим қисмларидан иборат. Педагогнинг касбий потенциал муаммоси билан ишлайдиганлар учун уларни қуйидаги илмий йўналишларга ажратиш мумкин (2-расм).

«Касбий потенциал» тушунчасининг умумий структураси-тузилиши етарли даражада мураккаб ва кўп қисмлардан иборат. Бир томондан, ПКП ўзида педагогик фаолиятга ва фаолиятнинг ҳақиқий ҳолатига мойиллигини ўзида акс эттирувчи нисбатни ўз ичига олади. Бундай қарашда қабул қилинган ва табиий қобилиятларнинг касбий фаолиятлар ўрнига урғу берилади. Иккинчи томондан, ПКП педагогнинг касбий фаолиятга муносабатини ифодалайди. Бу шуни кўрсатадики, фақат мавжуд маҳоратнинг ўзи касбий фаолиятга етарли эмас. Учинчидан, ПКП ўз меҳнатини касбий ихтисослик талаби даражасида бўлишни талаб этади. Ниҳоят, тўртинчидан, ПКП - бу қабул қилинган сифатларнинг концентрациясидан яъни билимлар, маҳоратлар, кўникмалар, фикрлаш усуллари ва фаолиятнинг тайёргарлик жараёнида қабул қилинган сифатлардан иборат.



2-расм.

ПКП нинг энг яқин умумий тушунчаси педагогнинг касбий билимдонлигидир. Касбий билимдонлик бу фикрлашни билиш ва касбий билимдонлик билан ҳаракат қилишдан иборат.

ПКП умумий тузилишининг ташкил этувчиларига интеллектуал, асосланган, коммуникатив, ижодий ва ўз касбий қобилиятлари киради.

Педагогнинг касбий потенциалини-идеал педагог билан ифодалаш маълум даражада осонлик туғдиради. *Идеал педагог* - профессионал педагогнинг бир кўриниши бўлиб, у энг юқори даражадаги фуқаролик, ишлаб чиқариш ва шахсий функцияларга эга бўлган шахс. Идеал педагог бу тайёргарлик бўйича энг юқори солиштириш учун эталон. Педагогик потенциалнинг идеал педагог тушунчаси бўйича структураси (3-расм) дан

кўриниб турибдики, педагогик сифат кетма-кетлиги жуда кўп бўлиб, уларнинг баъзилари замон талабига мувофиқ равишда ўзгариб туради.

Идеал педагог

Мутахассис	Ходим	Инсон
Педагогик назарияни билиш.	Мақсадни қўя олиши ва унга эришишни билиш.	Юқори одоб-ахлоқий сифатлар.
Педагогик маҳоратга эга бўлиш. Психологияни билиш. Ўқитиш ва тарбиялаш технологиясига эга бўлиш.	Вақтни тақсимлашни билиш. Ўз малакасини режали ва тизимини ошириш. Меҳнат унумдорлигини оширишга йўналтира олиш.	Жамоат ишларида фаол қатнашиш. Фаол ҳаётий ўринни эгаллаш. Ҳаммага ва ҳамма вақт шахсий ўрнаткич. Давлат қонунларига хурмат. Миллий ифтихор. Патриотизм.
Ишга муносабат. Ўқувчиларни севиш. Инсонга ишонил.	Билимга қобилиятлик. Ҳар томонлама билимга эга бўлиш.	Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлик. Мустақкам соғлик. Соғлом ҳаёт тарзи. Гуманизм.
Педагогик қобилиятлар. Умумий эрудиция. Оптимист.	Ишга берилганлик. Коллектив билан ишлашни билиш.	Илоҳийлик. Динга алоқадорлик.
Эмпатия. Босиклик. Топкирлик. Реакция тезлиги ва аниқлиги.	Матонат, қатъият. Тартиблилик.	Мулоқотга мойиллик. Очқиклик. Ахлоқ, одоблилик. Ахлоқли одам.
Рухий сахийлик. Эмоционал турғунлик.	Жавобгарлик. Фаоллик. Ишлаб чиқариш ҳолатларида ишни тўғри йўналтира билиш.	Ишончлилиги. Танқидий қараш.
Талабчанлик. Танқиклик. Ўзини бошқара олиш.	Ўзига жавобгарликни олишга тайёргарлик.	

Тўғрилиқ. Ташкилотчиликни билиш. Дилкашлиқ. Эшита олишни билиш.		
--	--	--

Ҳозирги кунда педагогик адабиётлар, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий ҳужжатларда «Янги педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология», «Замонавий таълим технологияси» иборалари кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий – педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим – тарбия амалиётида қўллашнинг долзарблиги қуйидагилар билан асоланади:

биринчидан, маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжамияти тараққиётдан ортда қолиб кетган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун, аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланишининг зарурлиги;

иккинчидан, анъанавий ўқитиш тизимида, ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли «ахборотли ўқитиш» сифатида тавсифланиб, педагог фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги;

учинчидан, фан – техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;

тўртинчидан, кишилиқ жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги бисқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндошув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидадир.

“Педагогика” фани ва амалиётида, «педагогик технология», «таълим технологияси», «ўқитиш технологияси» каби атамаларидан кенг фойдаланилмоқда .

«Технология» - юнонча икки сўздан – «технос» (techne) – маҳорат, санъат ва «логос» (logos) – фан таълимот сўзларидан ташкил топган.

Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб киришнинг зарурлигини, МДХ га кирувчи мамлакатлар ичида биринчилар қаторида асослаб берган, россиялик олим В.П.Беспалькониинг фикрича, «ПТ – бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган, ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир».

БМТ нуфузли идоралардан бири бўлган ЮНЕСКОнинг таърифича, «**Таълим технологияси** – таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида, инсон ва техника рурсурлари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш,қўллаш ва аниқлаш тизимидир».

Келтирилган таърифларни илмий – фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, узоқ хорижда берилган таърифлар билан МДХ мамлакатлари берган таърифлари бир-бирига яқин келса-да, фарқи ҳам анчалигини кўрамыз. Жумладан, Сакомато ва ЮНЕСКО таърифларида тизимли ёндошув тамойилига алоҳида урғу берилган. МДХ олимларининг ПТ га берган таърифларида тизимли ёндошув эслатиб ўтилгани билан, ўқув жараёнининг лойиҳасини тузишганда, уни мутлоқ унутиб, тизимли ёндошув тамойилининг қонун ва қоидаларига сира ҳам амал қилинмаганлигини кўрамыз.

Ҳақиқатда эса, объектив борлиққа тизимли ёндошув тамойилини яхши билган кишига, Сакомато айтганидек, «ПТ – ўқув жараёнини муайян бир тизимга келтиришдир», - деган тушунча кифоядир. Бу тушунча орқали ПТ

нинг бошқа ҳамма хусусиятларни, яъни мақсадга йўналтирилганини, бир неча ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганлигидан ва бошқаларни англаб олса бўлади.

Ўқитиш технологияси – педагогик технология жараёни - ҳаракат аспектига аниқланади. Бу таълим жараёнини ўзгарувчан шароитларда ажратилган вақт давомида истиқболлаштирилган натижаларига кафолатли эришишга ва аниқ таълим – тарбия жараёнларини амалга оширишни таъминловчи, усул ва воситалар (технологик операциялар) нинг тартибли бирлигини ўзида мужассамлаштирган, таълим моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг технологик жараёндир.

Тизим деб, тартибланган, ўзаро узвий боғланган ва биргаликда умумий функцияни бажарувчи элементлар тўпламига айтилади.

Демак, таълим жараёнини бир тизим деб қарасак, уни ташкил этувчи элементлари)га қуйидагилар киради: таълим мақсади, ўқув мақсадлари (кутилаётган натижалар), таълим берувчи, таҳсил олувчи, таълим мазмуни, таълим методи, таълим шакли, таълим воситалари, назорат ва баҳолаш. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда санаб ўтилган элементлардан бирортаси эътибордан четда қолса, нотўғри танланган бўлса тизим ишламайди, демак, таълим жараёнининг олдида қўйилган мақсадига эришилмайди.

Масалан, тикувчилик машиналарини кўриб чиқадиган бўлсак, уни ташкил этувчи элементларидан бирортаси ишламай қолса ёки ёмон ишласа, маҳсулот сифати бузилади ва нуқсонли бўлади. Демак, тикувчилик машиналарини фаолияти уни ташкил этувчи ҳар бир элементига ва ўз навбатида, ҳар бир элемент бир бирига чамбарчас боғлиқ.

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб, ҳиссий туйғулари ривожланади.

Кейинги шарт - бу педагогнинг маданият ва мулоқотга шайлиги.

Педагог ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартидан биридир.

Инновацион фаолият куйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

касбий фаолиятининг онгли таҳлили,

меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув,

касбий янгиликларга нисбатан шайлик,

ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.

Ҳозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида педагог инновацион фаолиятга бўлган зарурият куйидагилар билан ўлчанади:

1. Ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясини тубдан янгиланиш талаб қилади, янги янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишлардан иборат бўлади;

2. Таълим мазмунини инсонпаварлаштириш доимо ўқитишнинг янги танқидий шакллари, технологияларини қидиришни тақозо қилади;

3. Педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни тадбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг характери ва ўзгариши.

Педагог инновацион фаолиятининг таҳлили янгилик киритишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян шартлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меъёрларга - янгилик - мақбуллик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради.

Педагогнинг инновацион фаолияти - ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш. Ушбу режани амалга ошириш ва таҳлил қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.

Инновацион фаолият тадқиқотлари педагогнинг инновацион фаолиятга ҳозирлиги меъёрларини белгилашга имкон берди (В.А. Сластенин).

Инновацион фаолиятга бўлган заруриятни англаш;

Ижодий фаолиятга талаб қилинишига тайёргарлик;

Шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш;
Инновацион фаолиятни ижро этиш технологиясига тайёргарлик
даражаси.

Инновацион жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида, жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

Демак, ўқитувчи, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепциялар муаллифи, тадқиқотчи, фойдаланувчи ва тарғиботчи сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги маданият ва таълим тараққиёти шароитида ўқитувчи инновацион фаолиятига бўлган талаблар қуйидагилар билан аниқланади:

ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими методология ва ўқув жараёнининг технологиясини тубдан янгиланишни талаб қилади. Бу шароитда ўқитувчи инновацион фаолияти педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;

таълим мазмунини инсонпарварлаштириш, ўқитишнинг янги шаклларини, технологияларини қидиришни тақозо этади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг таҳлили янгилик киритишнинг самарасини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меъёрларга янгилик, оптималлик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацион ижодий қўллаш имкониятлари киради. Янгилик педагогик янгилик меъёри сифатида, ўзида таклиф қилинадиган янгилик, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагогик олимлар янгиликни қўллаш машҳурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган мутлоқ, чегараланган мутлоқ, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар.

Мақбуллик меъёри ўқитувчи ва ўқувчининг натижага эришиши учун сарфланган куч ва воситаларни билдиради. Натижалилик ўқитувчи воситасидаги муайян муҳим ижобий натижаларни билдиради. Педагогик

янгилик эса ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим.

В.А. Слостенин ўтказган тадқиқотлар ўқитувчининг инновацион фаолиятига ижобий тайёргарлигини аниқлаш имкониятларини беради:

мўлжалланган янгиликни ялпи ва унинг алоҳида босқичлари муваффақиятини башорат қилиш;

янгиликни бошқа инновациялар билан қиёслаш, улардан самарадорини танлаб олиш, уларнинг энг аҳамиятли ва аниқлик даражасини аниқлаш;

янгиликни тадбиқ этишнинг муваффақиятлилик даражасини текшириш;

янгиликни тадбиқ этадиган ташкилотнинг инновация қобилиятига баҳо бериш.

Бунда ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳлил қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади, унда инновацион фаолиятининг самараси педагог шахсияти билан белгиланади.

Педагогнинг инновацион фаолиятига бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари:

шахснинг ижодий мотивацияни қўллаганлиги.

Бу қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш, ижодий ютуқлар, пешқадамликка ва ўз камолотига интилиш;

креативлик, бу - ҳаёлий қараш; баҳо бера олиш қобилияти ва ўз камолотига интилиш;

касбий фаолиятни баҳолаш, бу - ижодий фаолият методологияси ва педагогик тадқиқот методларини эгаллаш қобилияти; муаллифлик концепцияси ва зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилиятлари; ижодий фаолиятига ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилияти;

ўқитувчининг индивидуал қобилияти, бу - ижодий фаолият суръати ва иш қобилияти; қатъиятлик, масъулиятлик ва ҳалоллик, ўзини тута билиш;

Инновацион фаолият тадқиқотлари ўқитувчининг инновацион фаолиятига сезгирлиги меъёрларини белгилашга имкон беради:

- инновацион фаолиятга бўлган заруратни аниқлаш;
- ижодий фаолиятга жалб қилишга тайёргарлик;
- шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш;
- ижодий муваффақиятсизликларни енгишга тайёрлик;
- инновацион фаолиятни касбий мустақилликка таъсири.

Инновацион фаолиятни энг муҳим масалалардан бири- ўқитувчи шахси: у новатор, сермахсул ижодий шахс, кенг қамровли қизиқиш, ички дунёси бой, педагогик янгиликка ўч бўлиши лозим.

Инновацион фаолият мотивацион, технологиклик ва рефлексиялик қисмлардан ташкил топади.

Ўқитувчини бу фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширади: янгиликни идрок қилишга инновацион таёргарликни шакллантириш ва янгича ҳаракат қилишга ўргатиш.

Инновацион фаолиятни ташкил этишда ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Инновация жараёнлари, функциялари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари ва бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида ташкил этиш имконини беради.

2.3. Таълим жараёнида интерфаол усулларни қўллаш

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка еришишга олиб келади. Талим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Ананавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда унга турли туман талим оловчи фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш талим

олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши талим берувчи томонидан талим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг талим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши ўқув материаллини кичик-кичик бўлақларга бўлиб уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум кичик гуруҳларда ишлаш, бахс мунозара, муаммоли вазият, юналтирувчи матн, рўлли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади. Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. Интерфаол методлар деганда таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади.

Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндашувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқитишни ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олинлиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масулиятининг қўллаб қувватланиши
- икки тарафлама фикр мулоҳазаларга шароит яратилиши.

2.3.1. Ақлий ҳужум методи

Ақлий ҳужум методи бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир.

Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида талим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ўз фикрини ҳар бири оғзаки билдиради.

Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида еса берилган саволга таълим олувчилар ўз фикрини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавобар доскага ёки пинборд доскасига маҳкамланади. Ақлий ҳужум методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий ҳужум методидан фойдаланилганда, таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқат қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади.

Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Ақлий ҳужум методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мақсадни кейинг мавзу билан боғаш мақсад қилиб қўйилганда, янги мавзуга ўйиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда, мавзудан сўнг дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

Ақлий ҳужум методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр ғоялар улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

3. Ҳар бир таълим оловчи қатнашиши шарт.

Ақлий ҳужум методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим оловчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини билдиришларини сўралади.
2. Таълим оловчилар берилган савол бўйича ўз фикр - мулохазаларини билдиришади;
3. Таълим оловчиларнинг фикри, ҳамда ғоялари тўпланади;
4. Фикр, ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади.
5. Юқорида қўйилган савол бўйича тўлиқ ва аниқ жавоб танлаб олинади.

Ақлий ҳужум методининг камчиликлари:

-таълим берувчи томонидан савол тўғри қўя олмаслик;

- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши

4 поғона усули асослари. XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, Германияда, корхоналарда ўтиладиган касб-ҳунар таълимида "4 поғона усули" кенг қўлланилмоқда. Ҳозиргача ҳам бу усул психо-методик қобилиятларни ўргатишда энг унумли усул деб ҳисобланади.

Бу усул АҚШ да пайдо бўлиб, саноат корхоналарида конвейерли ишлаб чиқариш кўпайган сари ана шундай ўргатиш усуллари зарур бўлиб қолдики, ишчилар бир хилда қайтариладиган қўл кўникмаларини иложи борича тез ва мукамал равишда тез ўрганиб олишлари керак эди.

Бу усулда амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёни 4 поғона доирасида кечади. Бу поғоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш». Яъни, амалиёт ўқитувчиси ўқувчиларга аввал кичикроқ бир иш босқичини тушунтириб беради, кейин нима қилиш кераклигини қилиб кўрсатади. Сўнг ўқувчи шу иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариши (имитация қилиши) керак. Ўқувчи қайтариб бажараётган пайтида амалиёт

ўқитувчиси унинг хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қилади). Ундай кейин эса, ана шу иш босқичини машқ тарзида ўқувчи уни мукамал ўзлаштиргунича кўп маротаба қайтарилади.

Бу усул психологияда асосланган бўлиб, бихевиоризм (яъни инсон ўзини тутишига оид) назариялардан олинган. Дастлаб, ҳайвонлар устида ўтказилган экспериментлар йўлида олинган натижалар кейинчалик инсонга нисбатан қўлланила бошланган. Бу ерда кўзғовчи ва реакция каби элементлар ҳамда конкрет ўлчаниши мумкин бўлган кўрсаткичлар муҳим роль ўйнаган. Чунки олимлар фикри бўйича, режа асосида ишлатилган ташқи кўзғовчилар ва назорат қилиниши мумкин бўлган реакцияларгина етарли даражада текширилиши мумкин ва шундан келиб чиқиб, умумий илмий хулосалар чиқариш мумкин деб ҳисобланган.

Қуйидаги илмий хулосаларни таъкидлаб ўтиш зарур:

1. Ўзлаштириш (ўрганиш) - бу «кўзғаш таъсири-реакция» кетма-кетлиги такрорланишининг натижасидир. Шу такрорлар сони қанча кўп бўлса, ўзлаштириш натижаси шунча яхши бўлади. («Такрор орқали ўрганиш» принципи).
2. Иккинчи кўзғовчи биринчи кўзғовчи билан биргаликда тез-тез ишлатилиб турса, у биринчи кўзғовчининг ўрнини боса олади. («Шартли рефлекслар орқали ўрганиш» принципи).
3. Ўзлаштиришда эришилган яхши натижалар мақтаб турилса, бундай натижалар кўпайиб бораверади. («Кучайтириш орқали ўрганиш» принципи).
4. Аниқ бир мақсадга қаратилган тарзда ишлатилган мақтов ва жазолар орқали деярли исталганча тегишли ўзини тутиш тарзлари ўзлаштирилиши ва яна йўқ қилиниши мумкин.

Амалиётда ўрганиш учун эса бундан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

Кўзғовчи сифатида берилган ҳар бир қисқа саволга иложи борича тўғри жавоб берилиши билан уни дарров (масалан «Яхши жавоб!» деб) мақтаб қўйиш керак. Нотўғри жавоб ҳам очиқ ва ойдин танқидланиши (танбеҳланиши) лозим.

Ёки амалиётда: ўқувчилар иложи борича қисқа иш босқичи билан таништирилади, сўнг уни қайтарадилар ва то уни мукамал билмагунларича машқ қиладилар. Бу ҳам очиқ ва ойдин тан олиними керак. Бу ерда кичик ўқув босқичлар катта аҳамиятга эга бўлади.

Бугунги кунда бу усулга баъзи дидактик элементлар қўшилиб мукаммалаштирилди. Бундан ташқари, босқичларни бироз мураккаброк қилишга ҳаракат қилинмоқда. Яъни, шундай машқлар ҳам киритилиши мумкинки, улар доирасида ўқувчи бирданига бир неча кўникмалар ва операцияларни амалда бажариши керак. «Тушунтириш» ва «нима қилишни кўрсатиб бериш» поғоналари эса босқичма-босқич амалга оширилади.

Ҳайвонлар устида муваффақиятли ўтказилган экспериментлар асосида олимлар инсон ўзини тутишини истаганча манипуляция қилиш (бошқариш) мумкин деб ҳисоблаб, инсон фикрлашидаги ички жараёнларни батамом эътибордан ташқарида қолдиришган, чунки улар фақат бир жонзот ташқи кўзғовчиларга қандай реакция қилишларини ўлчаган холос.

Кўникмаларни ўргатишда эса бу усул ўзини жуда ҳам яхши оқлади. Шунинг учун бу усул касбий-техникавий соҳаларда энг аввало иш ўрнида керакли кўникмаларни ўргатишда келажакда ҳам муҳим роль ўйнайди.

4 поғона усули доирасидаги ҳаракатлар. 4 поғона деб қуйидаги поғоналар аталади. Улар давомида бир амалиёт ўқитувчиси, бир ўқувчилар ҳаракат қиладди:

1-поғона: Амалиёт ўқитувчиси нима қилиш кераклигини тушунтиради. У ўқувчиларга маълум бир иш босқичи ёки бир кўникмани қўллаш учун керакли барча маълумотларни беради. Ўқувчилар эса амалиёт ўқитувчиси оғзаки тушунтиришларини тинглашади.

2-поғона: Амалиёт ўқитувчиси тушунтирилган иш босқичи қандай қилиниши кераклигини қилиб кўрсатади, ўқувчилар эса қараб туришади. Одатда амалиёт ўқитувчиси нима қилаётгани ҳақида ўқувчиларга изоҳлар (комментарийлар) бериб боради. Яъни бу ерда демонстрация (намойиш этиш) тушунчаси ҳам ишлатилиши мумкин.

3-поғона: Амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтарадилар. Амалиёт ўқитувчиси улар қилаётган иш юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларни тўғрилаб туради.

4-поғона: Ҳар бир ўқувчи иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариб кўрганидан ва иш

босқичини тўғри бажариш бўйича амалиёт ўқитувчисининг изоҳларни тушунганидан кейин, бу иш босқичи кўп мартаба машқ қилинади ва кераклигича, яъни мақбул натижага эришилмагунича, такрорланади.

Бундан кейин амалиёт ўқитувчиси кейинги иш босқичига ўтади. Бу босқич ҳам 4 поғонадан иборат.

Бу 4 поғона усулининг асосий белгиси шуки,

- амалиёт ўқитувчиси томонидан бошқарилган назарий ва амалий маълумот бериш давлари (фазалари) энг бошида туради, сўнг эса ўқувчиларнинг ҳаракатлари билан алмашинади;
- ўқувчиларнинг ҳаракатлари амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланган;
- ўқувчилар индивидуал ўрганишга (ўзлаштиришга) йўналтирила-дилар, лекин мустақил фикрлашга ҳақлари йўқ;
- иш ташкиллаштириши (иш тартиби) одатда ҳеч қандай янгича ёндашувларга йўл қўймайди.

4 поғона усули доирасидаги йўл-йўриқлар.

1-поғона: Тушунтириш-қизиқтириш (мотивация).

Маълумот бериш. Амалиёт ўқитувчиси биринчи навбатда инструктажни синфхонада ёки иш ўрнида ўтказмоқчилигини ҳал қилади. Бу инструктаж моҳияти ва турига боғлиқ. У инструктаж вақти 20-30 дақиқадан ошиб кетмаслигини режалаштиради.

Топшириққа қаратилган иш инструктажи ўқувчиларни қизиқишини ўйғотишдан бошланади, чунки уларнинг қизиқиш ва эътиборини ўрганилаётган нарсага қаратилиши керак.

Сўнг амалиёт ўқитувчиси ўқувчиларга амалий топшириқни бажариш учун керакли барча маълумотларни беради ва бажариладиган жараёнларни тушунтиради. Шу пайтда у ўзи амалий тажрибасидан таниган барча ўқув-дидактик материаллардан, масалан, чизмалар, иш режалари, эксплуатация бўйича инструкциялар, инструментлар ва хомашёлардан кўрғазмали материаллар сифатида фойдаланиши мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси иш босқичларини уларнинг кетма-кетлигида тушунтиради ва керак бўлса, ўқувчиларга шу босқичларни ўзларининг иш режаларига киритишларини талаб қилади.

Шу пайтда ўзида, у ўқувчиларга сифат фарқини намоёиш этиш мақсадида яхши ва ёмон синов иши мисолларини кўрсатиши мумкин. Ўқувчилар нисбатан пассив бўлишади, улар тинглашади ва қараб туришади.

2-поғона: Нима қилишни кўрсатиб бериш.

Демонстрация (намоёиш). Бу поғонада амалиёт ўқитувчиси тушунтирган иш босқичларини ўзи қилиб кўрсатади. Бунинг учун у аввал керакли иш ўрнини пухталиқ билан тайёрлаб қўйган бўлади ва ўша иш ўрнида демонстрацияни (намоёишни) ўтказади. Ишни бажариш учун керакли барча инструментлар, хомашёлар ва иш режаси ҳамда, керак бўлса, тегишли станок (ускуна) тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Намоёиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ўқувчилар диққат билан қараб туришларини таъминлайди.

Бирор кўникмани 3 марта намоёиш қилиниши тавсия этилади:

1 - намоёиш: оддий тезликда ўтказилади; ўқувчиларда тўла ва ҳақиқий тасаввур пайдо бўлиши учун.

2 - намоёиш: атайин секин тезликда ўтказилади; ҳар бир босқични алоҳида ва хусусиятларни яхшироқ кўрсатиш ҳамда меҳнат хафсизлиги қоидаларини тушунтириш учун.

3 - намоёиш: оддий тезликда ўтказилади; кўникмани яна бир марта тўла равишда кўрсатиш ва ўқувчиларда «ички суръат» (яъни аниқ тасаввур) пайдо бўлиши учун.

Намоёиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ҳар бир қадамини изоҳлаб боради. Сўнг бевосита инструктаж қисми тугайди.

3-поғона: Кўрсатилган тарзда қайтариш.

Тақлид (имитация). Энди эса ўқувчиларнинг ҳар бири амалиёт ўқитувчисининг ҳаракатларини у кўрсатган тарзда қайтаришлари керак. Ўқувчилар ишлаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ўз фикрини билдиради,

яхши ишни мақтаб, ёмон ишни танқид қилади ва нима қилишни яна бир марта кўрсатади.

Ҳамма ўқувчилар иш жараёнини тушунганлигини кўрганидан кейин амалиёт ўқитувчиси машқ қилишни бошлашга белги беради.

4-чи поғона: Машқ қилиш. Ўқувчилар доимий такрорлаш орқали инструмент ва ускуналарда иш жараёнларини машқ қилишлари учун амалиёт ўқитувчиси уларга етарлича хом ашёлар бериб қўяди.

Ҳар бир ўқувчи ўзи ишлайди ва бир хил ишлаш усулларини қўллайди.

Агар иш натижаларининг сифати мақбул натижа стандартига (олдиндан белгиланган сифат мезонларига - аниқ мақсадларга) жавоб берса, иш тугатилиши мумкин. Амалиёт ўқитувчиси бу ерда назоратчи вазифасини бажаради.

Талабаларнинг билимини рейтинг тизмида баҳолаш мезонлари.

Талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш даражасини аниқлашда қуйидаги баҳолаш турларидан фойдаланилади:

Жорий баҳолаш (ЖБ) – талабаларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларининг ўқув дастурига мувофиқлигини мунтазам назорат қилади. Шу билан биларга жорий баҳолашда ўқитувчи талабаларни билимларини онгли ўзлаштиришга, ўз-ўзини тўғри назорат қила олишга ўргатади, ҳамда уларни мустақил фикрлашга, ижодий ишлашга йўналтиради.

Оралик баҳолаш (ОБ) – ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин ёки семестр (ўқув йили) охирида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун ўтказилади. Оралик баҳолаш топшириқлари жорий баҳолашда текшириш имконияти бўлмаган топшириқлар, жорий баҳолашнинг ҳаққонийлигини текширувчи топшириқлар ва ижодий топшириқларни ўз ичига олади.

Оралик баҳолаш ҳар бир ўқув фани режаси асосида ўтказилади ва уни ўтказиш вақти талабаларга бир ҳафта олдин маълум қилинади.

Якуний баҳолаш (ЯБ) – фанга ажратилган соатга қараб семестр (ўқув йили) охирида ва ўқув йили тугагандан кейин ўтказилади. Талабалар

эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакаларини текшириш билан бирга жолрий назорат ва оралик назоратларнинг ҳаққонийлигини баҳолайди. Мустақил иш (МБ) ЖБ, ОБ ва ЯБларга қўшиб баҳоланади.

Фан бўйича талаба тўплаш мумкин бўлган максимал балл – 100 балл. Мазкур максимал баллнинг назорат турлари бўйича тақсимоти: ЖБ ва ОБларга 70 балл, ЯБга 30 балл. Шу жумладан:

- Жорий баҳолаш – 40 балл;
- Оралик баҳолаш – 30 балл;
- Якуний баҳолаш – 30 балл.

"аъло" баҳо 86-100 балл

"яхши" баҳо 71-85 балл

"қониқарли" баҳо 55-70 балл

"қониқарсиз" баҳо 54 балл ва ундан кам бўлганда қўйилади.

Хулоса

Ўрта махсус ва касб –ҳунар таълими тизимида мутахассислик фанларини ўқитишни интерфаол усуллар асосида ташкил этиш, дарсларни ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланишга нисбатан замонавий ёндашувлар, таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчининг инновацион фаолияти ҳамда мазмун-моҳиятини ўрганиш ва ўқитувчининг инновацион фаолиятини тўғри ташкил этиш, касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнида инновацион технологияларни тадбиқ этиш мазмун ва моҳиятини кенгроқ очиб бердик.

Жамиятимиздаги ўзгаришлар, жумладан таълим соҳасидаги янгиликлар мутахассислик фанларини ўқитишга инновацион ёндашувлар ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини инновацион технологиялар ёрдамида шакллантириш, меҳнат таълими дарслари жараёнида ўргатиш ва юқори босқичга кўтариш таълим соҳасида олиб борилаётган ўзгариш, жамиятимиз тараққиётнинг кенг ва ровон йўлига олиб чиқилишига имкон беради. Биз касб ҳунар коллежи ўқувчиларига таълим бериш муаммосини муваффақиятли ҳал этиш учун мутахассислик фанларини ўқитишни интерфаол усуллар асосида тўғри ташкил этиш, интерфаол усуллар асосида машғулотларни ташкиллаштириш, интерфаол усуллар асосида ўқитишни ташкил қилишнинг шакл ва методларига қўйиладиган замонавий талаблар, касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини интерфаол усуллар асосида ўқитишда инновацион технологияларни тадбиқ этишнинг шакл, метод ва воситалари асосида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг муҳим сифатларини экспериментал тадқиқ этиш зарур деб ҳисоблайман.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 1993
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни.-Т.: Шарқ, 1997.
4. Фарберман Б.Л. ва бошқалар. Олий ўқув юрларида ўқитишнинг замонавий усуллари. -Т.: 2002.
5. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. -Т.: Ўқитувчи, 1990.
6. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.-Т.: ТДПУ, 2003.
7. Ишматов Қ. Педагогик технология асослари (Илғор педагогик технологиялар) ўқув қўлланма.- Наманган: НамМПИ, 2003.
8. Голиш. Л.В. Таълимнинг фаол усуллари: мазмуни, танлаш, амалга ошириш.-Т.: Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти нашриёти, 2001.
9. Кларин. М.В. Инновации в Мировой педагогике. – Рига, 1995.
10. Ишмухаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.-Т.: ТДПУ, 2004.

Интернет материаллар:

www.edu.uz

www.refs.uz

www.ziyonet.uz

www.connect.uz

www.pedagogika.uz

www.referats.net

www.referats.com

www.referat.students.ru__

